

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И

2025 йил август ойининг 26 куни, Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи судья:, Ф.Собиров

ҳайъат судьялари: Ш.Назиров ва М.Тулановдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси С.Кобуловнинг котиблигида, прокурор Ш.Нурова, химоячи Ф.Бурханов ва судланган О.Каюмовларнинг иштирокида, О.Каюмовга оид жиноят ишени унинг апелляция шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман судининг 2025 йил 8 июлдаги ҳукмига кўра,

Каюмов Ойбек Кобил ўғли, 1990 йил 3 майда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, уйланмаган, муқаддам жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2024 йил 23 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, ўталмай қолган жазоси 2 йил 9 ой 15 кунни ташкил қилади, мавсумий ишчи, Андижон шаҳар, Яхши МФЙ, Колхозчи кўчаси, 2-уйда яшаган, иши бўйича эҳтиёт чораси тариқасида 2025 йил 10 мартдан қамоқда сақланаётганга

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан 8 йил, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида, 8 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгиланган.

Судланувчи О.Каюмовдан жабрланувчи М.Салиевнинг фойдасига 36.600 АҚШ долларига тенг 458.948.628 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Ишни апелляция инстанцияси судида кўриш давомида судланган О.Каюмов ариза билан мурожаат қилиб, суд қароридан норози бўлиб



берилган апелляция тартибидаги шикоятини қайтариб олиши сабабли, оқибатсиз қолдиришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>10</sup>-моддасида, ҳукм устидан шикоят берган ёки протест билдирган шахс ўз шикоятини ёки протестини қайтариб олишга ҳақли эканлиги;

Олий суд Пленумининг 2025 йил 25 мартдаги “Жиноят ишларини апелляция, кассация тартибида кўриш амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 9-бандида, апелляция ёки кассация тартибида иш юритиш тугатилиши мазкур шахс томонидан қайта кассация шикояти (протести) берилишига тўсқинлик қилмаслиги кўрсатилган.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати судланган О.Каюмовнинг келтирган апелляция тартибидаги шикоятини кўрмасдан қолдириб, иш юритишни тугатишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497<sup>26</sup>-моддасига асосланиб, апелляция инстанцияси

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Каюмов Ойбек Кобил ўғлига нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман судининг 2025 йил 8 июлдаги ҳукми билан судланган О.Каюмовнинг апелляция тартибидаги шикояти қайтариб олинганлиги сабабли жиноят иши юзасидан апелляция инстанциясида иш юритиш тугатилсин.

Раислик қилувчи  
Ҳайъат судьялари

имзо  
имзолар

Ажрим нусхаси аслига тўғри,  
вилоят суди судьяси

Ф.Собиров

